

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Нурафшон шаҳрида "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони ўз соҳибларига топширилди.

Кучли давлатдан – кучли
фуқаролик жамияти сари

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди, деб хабар бермоқда ЎА мухбири.

Мамлакатимизда эркин фуқаро-

лик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган инсонлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг ташаббус ва инициативаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2018 йил 14 ноябрдаги "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди. Мазкур кўкрак нишон билан жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ вилоят вакиллари, хусусан, вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти раиси Баҳром Холдоров, "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Малика Қодирхонова, "Ибн Сино" жамоат фонди вилоят филиали раҳбари Камола Тўлаганова, "Опасингиллар" ногирон аёллар жамияти раиси Наталья Плотникова, "Родничок" нодавлат нотижорат ташкилоти раиси Тамара Анорбоева ва Янгийул шаҳар татар мил-

лий маданий маркази раҳбари Аниса Гатаулина тақдирланди.

Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган ижтимоий лойиҳалар бўйича грант танлови ғолиби бўлган халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва Қизил Ярим ой жамияти Янгийул тумани бўлимига сертификатлар топширилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар



Худудларда ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи аъзолари жорий йилнинг 5-17 ноябрь кунлари Оҳангарон туманидаги мавжуд 29 та маҳалла фуқаролар йиғинларида уйма-уй юриб, жами 17 мингдан ортиқ муаммоларни аниқладилар. Мазкур рақам Халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида маълум қилинди. Аниқланган муаммоларнинг бир қисми жойларда бар-тарф этилган.

Бир манзилда 17 минг муаммо: МУТАСАДДИЛАР ҚАНДАЙ ТИНЧ УХЛАМОҚДА?

Аммо, камчиликлар жуда кўп. "Эйвалек" ва "Фаллақудук" маҳалла фуқаролар йиғинлари тумандаги энг оғир ҳудуд эканлиги таъкидланди. Масалан, "Эйвалек" маҳалласидаги 23 та кўп қаватли уйнинг 2 таси таъмирталаб, 3 таси эса бутунлай яроқсиз аҳолига келиб қолган. Кўп қаватли уйлар марказлаштирилган сув таъминотида уланмаган. Сув қувурлари ва насослари яроқсиз ҳолатда келган. Маҳалла гузаридида кутубхона мавжуд эмас, ижтимоий дорихона доимий фаолият юритмайди. Бу каби камчиликлар "Фаллақудук" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бор. Чорва фермаси, автомобиль тураргоҳи, стадион таъмирталаб ҳолатда. Худудни туман маркази билан боғловчи доимий транспорт қатнови йўлга қўйилмаган.

Сессияда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Туман аҳолисининг 41 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган ҳолос. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 августдаги қарори қўра, "Увак", "Ақча", "Янги ҳаёт" маҳаллаларидаги 3 донa артезиан кудугини тозалаш, насослар ўрнатилиш, 2-кўтарма насос станциясини, хлорлаш ускунасини қуриш белгиланган бўлсада, бу топшириқлар ҳозирги кунга қадар бажарилмаган. "Қорахитой", "Бирлик" маҳаллаларида ичимлик суви тизимини реконструкция қилиш, артезиан кудугини қазиб бўйича йиллик режа барбод қилинди. "Гулбод", "Шодмалик", "Янги ҳаёт", "Ойбулок" маҳаллаларидаги артезиан кудуклардаги сув таркиби шўрланган кетган. Уни йўқотиш ускуналарини ўрнатиш ишлари амалга оширилмай қолиб кетди. Тумандаги жами 76 та ичимлик суви олиш иншоотларининг 37 таси, 22 та сув минораларининг 13 таси таъмирга муҳтож.

Давоми 2-бетда

ҚУЙИ ЧИРЧИҚДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Қуйи Чирчиқ тумани Кичик саноат зонаси ҳудудида яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган "Toshkent Gazobeton" ҳусусий корхонасида кунига 20-30 куб. метр газобетон курилиш маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, буюртмачи ташкилотларга етказиб берилмоқда.

Имконият



Мамлакатимизда тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётгани фойдаланишнинг амалга оширишнинг мадда бўлмоқда, дейди корхона раҳбари Самандар Шарипов. – Хусусан, туманимиздаги катта бир бинонинг "ноль" баланс қийматида берилгани биз учун янги имкониятлар эшигини очди. Аввало, ташландиқ бинони янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирдик. 500 млн. сўм маблағ эвазига Россиядан маҳсул ускуналарни харид қилдик ва ўрнатдик. Маҳаллий бозорлардан цемент, кум ва маҳсул аралашмалар олиб келиб, улар ёрдамида пишқ курилиш хом ашёси ишлаб чиқаришни йўлга

қўйдик. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйлар курилиши ва бошқа бунёдкорлик ишларини газоблок билан таъминлашга ҳисса қўшяпмиз. Газоблок янги маҳсулот ва ҳозирда Европа мамлакатлари, айниқса, Россияда ундан бинолар курилишида кенг фойдаланилмоқда. Газоблокнинг бошқа курилиш маҳсулотларидан бир қанча афзаллик томонлари бор. Биринчидан, у пишган гиштга нисбатан иссиқ ва ўзидан совуқ ўтказмайди, аксинча, хонада мўътадил ҳароратни яхши сақлайди. Иккинчидан, харажати сезиларли тарзда тежайди, учинчидан эса бу маҳсулот катта ҳажмли муз-

латкич камералари куришда ҳам қўл келади.

Хар бир газоблокнинг узунлиги 60 см., баландлиги 30 см., эни эса, 15-25 см.ни ташкил қилади. Албатта, буюртмага қараб, маҳсулотнинг кўриниши ва ҳажми ўзгариши мумкин. Ҳозир корхонада 15 нафар ишчининг меҳнати билан кунига ўртача 20-30 куб. маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти. Тадбиркор яқин кунларда ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириб, йилга 10 тонна курилиш маҳсулоти тайёрлашни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, шу ернинг ўзида бир неча янги турдаги курилиш хом ашёларини ишлаб чиқаришни мўлжал қилаяпти. Албатта, иш ўринлари сони ҳам икки баробарга ортади.

Ишлаб чиқариш жараёни анча масъулиятли, дейди ишчи Мансур Умиркулов. – Чунки, ҳар бир қоршма ҳамда маҳсул суюқликлар керакли миқдорда ишлатилиши ва бериладиган иссиқлик даражаси ҳам меъёрга бўлиши маҳсулотнинг сифатли чиқишида муҳим аҳамиятга эга. Корхонада ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган, кунига уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган, ишбай асосда ҳақ тўланади. Яъни, қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади, маош ҳам ортиб бораверади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭКСПОРТГА КЎМАКЛАШИШ ВА УНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йил мобайнида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий соҳасида ташқи савдо ҳажми ва экспортни тизимли равишда жадал оширишга қаратилган таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан, валюта сиёсати либераллаштирилди, маъмурий тўсиқлар бар-тарф этилди, экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун нархларни шакллантириш ва тўловнинг бозор механизми жорий қилинди.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссияер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга юридик шахслардан олинган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш имконияти берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги устидан мунтазам равишда олиб борилаётган мониторинг ташқи савдо ва экспортнинг умумий ижобий динамикасига қарамадан улар ҳажмларининг реал ўсиш суръатлари иқтисодиётни модернизация қилиш суръатларига мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, рақобатбардош афзалликларга эга бўлган тармоқларда бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги экспорт ҳажмларининг салмоқли ўсишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Жумладан:

Биринчидан, ишлаб чиқариш қувватларидан ва кенг турдаги хом ашё, шунингдек, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминловчи афзалликлардан тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаётгани;

Иккинчидан, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини мо-

лиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожланмаётгани, экспортдаги ва экспортни молиялаштириш механизмлари мавжуд эмас;

Учинчидан, чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узоқ муддатли барқарор ташқи бозорларни шакллантириш ва хорижда ташқи савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани;

Тўртинчидан, ҳар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишлар мавжуд эмас, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма ривожланмаган.

Товарлар ва хизматлар экспорти ҳажминини тубдан ошириш, экспортбон маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган ҳар томонлама кўмаклашиш Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг асосий вазифалари этиб белгилансин: юқори қўшилган қийматга эга экспортбон рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизматлар (туристик, тиббий, таълим, транспорт, курилиш ва бошқалар) экспорти ҳажминини кескин ошириш ҳамда уларни кўрсатиш учун тегишли инфратузилмани жадал барпо этиш; ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришда ҳамкорларни излаш ҳамда ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузиш.

Давоми 2-бетда

2019 йил учун
Тошкент Ҳақиқати
газетасига обуна
давом этмоқда!

МУЛЬТИБРЕНД АВТОСАЛОН:

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистондаги илк мультимаркет автосалон очилди. Бу ҳақда "Халқ сўзи Online" хабар бермоқда. Мазкур замонавий иншоот Президентимизнинг 2018 йил январь ойида Тошкент вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириғига биноан жуда қисқа фурсатда барпо этилди.

Бундан атиги уч ой олдин бу жой куруқ ер эди, дейди "Ўзавтосаноат" АЖ бошқаруви раиси Умид Сааломов. – 2400 квадрат метр майдонни эгаллаган мазкур автосалон турдошларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, салонга келган мижоз харид қилган автомашинаси учун зарур ҳужжатларни шу ерда расмийлаштириб, олиб кетиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Дарҳақиқат, 100 киши меҳнат қилаётган ушбу мажмуа-

да асосий эътибор харидорларга аъло даражада хизмат кўрсатиш, қўшимча қулайлик яратишга қаратилган. Нафақат автомобиллар, балки уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш, уларга сервис, сотув ва даврий кафолатли техник хизмат йўлга қўйилгани эътиборга молиқдир.

Яна бир аҳамиятли томон, замонавий мультимаркет автосалоннинг шоурумида доимий равишда "GM Uzbekistan", "SamAuto", "JV MAN Auto – Uzbekistan"

ҳамда "UzAuto Trailer" каби миллий автосаноат корхоналарининг Chevrolet, MAN, Isuzu ва Kamaz брендлари тақдим этилади. Бундан ташқари, автосалонда автосуғурта, автомобиль харид қилиш жараёнида давлат рақамларини расмийлаштириш каби хизматлар кўрсатилади. Банк филиали ҳам ишлаб турибди.

Мажмуа очилиш маросими доирасида янги Tracker автотомобилининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Ўзида замонавийлик ва юқори даражадаги қулайликни мужассамлаштирган ушбу моделга ички бозорда талаб катта, дейди "GM Uzbekistan" АЖ бўлими бошлиғи Ойбек Эгамбердиев. – Қисқа муддатда 1000 дан ортиқ янги моделдаги автомобиллар сотилгани бунинг далилидир.

Мультимаркет автосалони келгусида Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилиши мўлжалланмоқда.



"АҚАЛЛИ ШАҲАР"НИНГ БИРИНЧИ ЗАМОНАВИЙ ИНШООТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЭКСПОРТГА КЎМАКЛАШИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ
КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкнинг **Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини** ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

а) экспорт фаолиятига ахборот-таҳлилий кўмаклашиш бўйича:

экспортни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш; маркетинг, нарх шаклланиши, транспорт логистикаси, сертификатлаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ҳамда божхона маъмуриятчилиги (шу жумладан, хориждаги) масалалари, "ягона дарча" тамойили асосида ташқи бозорларга кириш шароитлари бўйича экспорт қилувчиларга ва уларнинг чет элдаги ҳамкорларига ахборот ва маслаҳат кўмагини кўрсатиш;

хорижий харидорни излашга ва экспорт шартномасини тузишга қадар музокаралар жараёнига, шу жумладан, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш;

республика вазирликлари ва идоралари, вилоятлар ҳамда туман ҳокимликлари билан миллий маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш, экспорт қилувчиларни экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар, мавжуд имтиёзлар ва преференциялар, ваколатли давлат органларининг вазифалари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашда тизимли ҳамкорлигини таъминлаш;

худудларда ахборот-маслаҳат марказлари тармогини ташкил этиш;

маҳаллий экспорт қилувчилар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар базасини таъминлаш орқали электрон ташқи савдо майдончаларини юритиш, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига етакчи халқаро электрон тижорат майдончаларига кириш учун ёрдам кўрсатиш;

ишончли сифатли маҳсулот етказиб беришчи сифатда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳалоллигини исботлаш учун, шу жумладан, ҳар йили "Made in Uzbekistan" миллий кўргазмасини, тармоқ ва минтақавий товарлар кўргазмалари ва савдо ярмаркаларини ўтказиш, халқаро кўргазмалар ва тақдиротларда иштирок этиш йўли орқали ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда илгари суриш бўйича "Made in Uzbekistan" дастурини амалга ошириш;

Бошлониниш 1-бедра

экспорт қилишни бошлаётганлар учун ўқув семинарлари ва тренинглари, тадбиркорлар учун хорижий мамлакатларга ташқи савдо масалалари бўйича савдо миссиялари ташкил этиш ва ўтказиш;

б) экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш қисмида:

экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш, ноҳомашё экспорт ҳажми, миллий экспорт қилувчилар ва уларнинг маҳсулотларини сотиб оладиган мамлакатлар сонини оширишга кўмаклашиш;

кўргазма стендларини ташкил этиш ва республика корхоналарининг халқаро савдо ярмаркалари, тақдиротлари ва реклама кампанияларида иштирок этиши, шу жумладан, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал бозорларда илгари суришни молиялаштириш;

миллий маҳсулотларни хорижий ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилиши орқали стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг ҳам республикадаги, ҳам хориждаги халқаро тизимларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш;

молиявий қўллаб-қувватлаш ва миллий экспортни суғурталашнинг замонавий механизмларини муваффақиятли қўллаган хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олиб, шу жумладан, халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда экспортни ва экспортни молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчилигини суғурталаш механизмларини жорий этиш;

савдонини молиялаштириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг қарзлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш;

бошқа комплекс молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазир-**

лиги ҳузуридаги **Экспортни рағбатлантириш агентлигини** ташкил этиш;

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига экспорт кредитлари ва операцияларини суғурталаш вазифасини юклаш ва уни Ташқи савдо вазирлигига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги "Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг раиси этиб сайлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчи-хоналари қошида **савдо ваколатхоналарини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда 15 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратишни кўзда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда:

бир ой муддатда Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг фаолиятини ташкил этиш бўйича унинг самарали фаолият кўрсатиши доирасидаги тадбирларни молиялаштириш манбаларини, шунингдек, экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва экспорт жараёнида хатарларни суғурталаш механизмлари, экспортчиларни камситувчи чоралар, тариф ва нотариф тўсиқлардан ҳимоя қилишни назарда тутувчи тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига;

бир ҳафта муддатда "Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини минимал талаб этилган даражага кўтариш бўйича тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Э. М. Ганиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 декабрь

Шунингдек, сессияда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларга танқидий баҳо берилди. Туманда 12 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларга 1 минг 165 нафар бола жалб қилинган. Қамров 14 фойзни ташкил этади. Фаолият юритаётган муассасаларнинг 5 тасини реконструкция қилиш лозим. Масалан, 10-сонли мактабгача таълим муассасасининг том қисми деворлари таъмирталаб, кириш эшиклари талабга жавоб бермайдиган. Иккита ёғи чўмилиш ҳовузли яроқсиз ахволга келиб қолган.

117 нафар бола тарбияланаётган 8-сонли муассасанинг эса поличириб кетган. Муассасада спорт зали, изолятор, захира озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ертўла йўқ, канализация ишламайди.

Бу ва бошқа муаммо-

ларни туман кенгаши депутатлари билишмасиди? Уларни, албатта, Республика ишчи гуруҳи аъзолари аниқлаши лозимиди? Бу каби саволлар табиийки депутатларнинг масъулиятини ошириши зарур.

Бир манзилда

17 минг муаммо:

МУТАСАДДИЛАР
ҚАНДАЙ ТИНЧ
УХЛАМОҚДА?

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирок этган йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунги Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар кенгаши бўлиб ўтган сессиясида ҳам ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган камчиликлар муҳокама қилинди.



Халқ депутатлари Қибрай тумани кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман ҳокими, кенгаш раиси М. Мирзақосимов очиб, туманнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳақида қисқача ахборот берди.



Туманда жорий йилда тадбиркорлик, хунармандчилик, фермерлик соҳаларида юзлаб янги иш ўринлари яратилган бўлса-да, бугунги кунда аҳолининг 8,9 фоизи, яъни 8 минг 523 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли ишсиз деб рўйхатга олинган.

Сессияда тумандаги қурилиш, ободонлаштириш, коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туманда 242 та кўп қаватли уйларни таъмирлашга 3 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Аммо, тумандаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолидан табиий газ, ичимлик суви, электр таъминотидаги узил-пирил бўйича эътирозлар ортиб бормоқда. Айни кунларда айрим уйларда иссиқ ва совуқ сув ҳеч қандай оғохлантиришсиз ўчириб қўйилган.

Шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент тумани кенгашининг шу кунги бўлиб ўтган сессиясида ҳам ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ва аҳолини қийнаб келаётган муаммолар муҳокама қилинди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди

Дастур ва
ижро

Пискентдаги Гулистон қишлоқ аҳолиси шу вақтгача мактаб ва боғча масаласида қийналишар, фарзандлари 6-8 километр йўл босиб, қўшни – Олмалиқ шаҳри мактабларига қатнаб, таҳсил олишар эди. Болалар боғчаси масаласида ҳам ахвол худди шундай эди.

Қишлоқ
Гулистон бўлди

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Обод қишлоқ" дастури қабул қилинган, аҳолининг узок йиллик орзуси рўйга чиқадиган бўлди. Қишлоқда замонавий қиёфадаги янги мактаб ва боғча қурилиши бошлаб юборилди.

– "Гулистон" маҳалласининг марказида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган 216 ўринли мактаб биноси қурилишининг иккинчи навбати бўйича ишлар бошланди, – дейди объектни барпо этаётган "Грант строй Нурафшон" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Тўйчи Собиров. – Бундан ташқари, лойиҳага бу ерда спорт ва фаоллар зали, ошхона ҳамда кичик спорт майдончаси қурилиши ҳам киритилган. Умуман, бу ерда 4 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун 30 нафар қурувчи, 5 та техника жалб этилган.

Яна бир қувончли хабар шуки, маҳаллага яқин жойда замонавий дизайн асосида 120 ўринга мўлжалланган икки қаватли болалар боғчаси қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Шу кунларда боғча атрофи ўралиб, дам олиш майдончалари қуриб битказилди. Носир Акбаров бошчилигидаги қурувчилар ушбу муассаса-ни Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрамгача фойдаланишга топширишмоқчи.

Шонра ШОМАТОВА

Янги поликлиникалар фойдаланишга топширилди



Яқинлашиб келаётган Янги йил Зангиота туманидаги ўрта-овулиқлар учун қўшалоқ байрамга айланди.

Худуддаги 17-қишлоқ оилавий поликлиникасининг капитал таъмирдан чиқарилган биноси фойдаланишга топширилди.

Ўртаовул кўрганидаги 23 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур поликлиникада терапевт, педиатр, хирург, акушер-гинеколог, стоматолог, эндокринолог,

ЛОР, УТТ шифокорлари беморларни қабул қилишлари ва тўғри ташхис қўйиб, даволашлари учун барча шароитлар яратилган.



Тиббий масканнинг қурилиш ишлари "Чорвоқ ГЭС" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан олиб борилиб, қисқа муддатда, замон талабларига мос равишда қуриб битказилди ва барча зарур жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, оилавий поликлиника биносида Товоқсой "Тез тиббий ёрдам" шабоҳчаси ҳам жойлаштирилди.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар



Бахтиёр ҲИДОЯТОВ олган суратлар

УЙЛАРИМИЗ ЁРУҒ БЎЛСИН

Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилашдан иборат.

Жараён

Шу кунларда ўзларининг касб байрамларини нишонлаётган соҳа ходимлари юртимиз ободлиги, кўчалар ва хонадонлар доимо ёруғ бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилаётганлар. Бу борада жамоамиз ходимлари ҳам аҳолини электр энергия билан узлуксиз таъминлаш мақсадида туну кун иш ташкил қилишмоқчи.

Жорий йил мобайнида корхонамиз ишчи-хизматчилари томонидан мавсумга тайёргарлик юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Чунончи, 44,35 км. ҳаво тармоқлари, 25 дона трансформатор пунктлари

мукаммал таъмирланди. Уч дона трансформатор янгидан ўрнатилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида шахримиздаги Алишер Навоий номи маҳалла ҳудудида 85 дона темир-бетон устулар тикланиб, 2,1 км. ҳажмда замонавий СИП кабеллари тортилди. Фурсатдан фойдаланиб барча ҳамкасбларимизни, энергетика соҳаси фидойиларини касб байрамлари билан табриқлайман. Уйларимиз ҳаммаша ёруғ ва чарогон бўлсин.

Анвар ЎРОЗАЛИЕВ,
Олмалиқ шаҳар электр тармоқлари корхонаси бошлими

«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ»

халққа хизматнинг замонавий механизми

Бугунги кунда "Электрон ҳукумат" деган тушунча кундалик турмушимиздан чуқур ўрин эгалламоқда. Гарчи республикамиз аҳолисининг барча қатлами ҳам бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлмаса-да, вақт ўтиши билан ушбу тизим жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олишини дунё тажрибаси кўрсатапти.

Қулайлик

Мазкур тизим давлат ҳокимияти органлари, бизнес соҳаси, айниқса, фуқароларга турли давлат хизматларини кўрсатишда муҳим восита бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этапти. Зеро, давлат хизматларини кўрсатиш электрон тарзда, яъни, замонавий ахборот коммуникация тех-

нологияларидан фойдаланган ҳолда олиб борилиши, электрон ахборот алмашувининг ўрни ва аҳамияти негизли муҳимлигидан далолатдир.

Хусусан, у ахборотнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали жамият ва давлат ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Ижтимоий бошқарувда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади. Аҳолига кўрсатилаётган давлат

хизматлари сифатини яхшилаб, турларини кенгайтиради. Давлат органлари маълумотларини фуқаро ва ташкилотларга етказишда маъмурий юкларларни камайтириш учун давлат органлари орасида ўзаро ахборот алмашуви яхшиланади.

Ҳозирда ФХДЭ архив маълумотлари ҳам соддалаштирилган ҳолда электрон шаклга ўтказилмоқда. Бу фуқаролар овозгарчилигига чек қўяди ҳамда ишчи кучи тежаллади.

Фуқаролар нафақат давлат хизматлари марказлари, балки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали ҳам исталган жойда давлат органлари ва барча ташкилотларга мурожаат этишлари ҳамда давлат хизматларидан эркин фойдаланишлари, мурожаатларига электрон тарзда жавоб олишлари мумкин.

Абдурахимжон Юлдашев,
Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бош маслаҳатчиси

Вилоят ҳокимлигида

Маълумки, давлат бюджети солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар орқали шаклланади. Бу маблағ ижтимоий соҳалардаги харажатларга, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади. Шу боис, солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчига айланиши лозим.

СОЛИҚДАН ҚАРЗИНГИЗ ЙЎҚМИ?

Вилоят ҳокимлигида ташкил этилган тадбир ҳам солиқ ислохотларини амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад захираларини аниқлаш мавзусига қаратилди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва давлат солиқ бошқармаси, молия бошқармаси ва тегишли корхона-ташкilotлар вакиллари иштирок этган тадбирда солиқ тўловларининг бугунги ҳолати, соҳадаги муаммолар атрофида таҳлил этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, ўтказилган ҳатлов натижасида 2 минг 231 нафар шахснинг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди ва мазкур объектларга 693 миллион сўм солиқ ҳисобланди. Шунингдек, 955 та объектда ўтказилган ўрганиш натижасида аниқланган ҳолат бўйича 418,5 миллион сўм қўшимча солиқ тўлови ҳисоб-китоб қилинган. Бозорлар ва савдо комплексларида 500 нафар шахснинг фаолияти қонунийлаштирилди ва 107 миллион сўм қўшимча солиқ манбаи аниқланди.

Таъкидланганидек, бугун аҳоли хонадонлари ҳужжатларининг тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги ёки ундаги айрим камчиликлар бўйича маълумотларнинг кадастр идоралари томонидан вақтида тақдим этилмаслиги солиқ тушумларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, корхоналардаги солиқ қарздорлигини камайтириш ва уни бартараф этиш ҳам соҳадаги муҳим масала ҳисобланади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати

Ватанпарварлик ойлиги

Чирчиқ шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига саёҳат уюштирилди.

ЎҚУВЧИЛАР ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИГА САЁҲАТ ҚИЛИШДИ

Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил этилган учрашувда ўқувчилар билим юртида яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди. Шунингдек, аскарлар ўқувчиларга турли хил жанговар қуролларнинг қандай йиғилишини тезкор амалий машқлар орқали кўрсатиб беришди.

Билим юртининг тарихи ва бугунги кундаги ютуқлари ақс этган видеоларда ёшларда катта таассурот қолдирди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шу кун билим юртидаги ёдгорлик пойига гулчамбар қўйилиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўтаётган пайтда ҳалок бўлган аскарлар руҳи шод этилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА

САРА НЕЪМАТЛАР – ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

Аввал хабар берганимиздек, Янги йил байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида ҳам арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркалари иш бошлади. Бундай ярмаркалар, асосан, деҳқон бозорлари, савдо мажмуалари олдида, шунингдек, аҳоли гавжум жойларда ташкил этилиб, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Байрамолди ярмаркалари

Ижодий гуруҳимиз билан шундай савдо ярмаркаларининг бир нечасида бўлдик. Юқори Чирчиқ туманининг Янгибозор ҳудудига яқин-

лашар эканмиз, атрофда байрам нафаси сезилиб, кайфиятимиз кўтарилди. Расталарга чиройли қўйилган сархил мева-валару сабзавот ҳамда полиз экинлари, гўшт, тухум маҳсулотларини кўриб: "Э, ҳимматингга балли, бободехқон!" деб юборасиз.

Савдо ходимларидан бирини суҳбатга чорламоқчи бўламиз, бироқ харидорлар кўпчилигидан уларнинг қўли-қўлига тегмаяпти. Шу боис ха-

ридорларга юзландик...

– Янги йил дастурхонини безатиш биз, бекалар зиммасида, – дейди ўзини Санобар Жумаева деб таништирган аёл. – Очиғи, авваллари байрам яқинлашди дегунча, нархлар "осмонга" чиқиб кетарди. Шунинг учун, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини 10-15 кун олдин олиб кўярдик-да, қандай сақлаш ташвишида юрардик. Бу йил ҳамма маҳсулотлар бемалол, шошишга ҳожат йўқ. Нархлар ҳам ҳамёнбон.

Биз ҳам нарх-наво билан қизиқдик. Дарҳақиқат, савдо ярмаркаларидаги нархлар бозордагидан анча арзон. Шу сабабли ҳам бундай савдо нуқталарида одамлар гавжум.

– Ниятимиз – аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб, уларнинг кайфиятларини янада кўтариш, – дейди "Тошвилбозорсавдо" уюшмаси



Ўз муҳбиримиз

раиси Абдуманноп Абдулхаев. – Вилоятимизнинг турли ҳудудларида шундай ярмаркалардан 17 тасини ташкил қилдик. Аҳоли жуда хурсанд. Деярли ҳар кун расталар янги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилмоқда. Бунинг учун кўпгина ташкилотлар яқиндан ёрдам беришяпти. Сотува қиқариладиган маҳсулотлар, албатта, лаборатория текширувидан ўтказилди. Нарх-навоини ҳам мутасаддилар назорат қилиб туришибди.

Эрали НОРЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Марди майдон

Аввал хабар берганимиздек, Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг ёпиқ манежида кураш бўйича жамоалар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон кураш миллий федерацияси, вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақа беллашувларида эркаклар ҳамда аёллар 10 дан ортиқ вазн тоифаларида голиблик учун ўзаро куч синашдилар.

Мусобақани вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда юртимизда миллий спорт тури бўлмиш курашни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилади.

Тадбирнинг бадиий қисмида эл ардоғидаги санъаткорлар ва эстрада хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

Шундан сўнг полвонлар гиламга тақлиф қилиниб, баҳслар бошланди.

Регламент бўйича жамоалар икки гуруҳга бўлинган эди. Куръа натижасига кўра, "А" гуруҳдан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Хоразм, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари жамоалари ўрин олганди. Илк босқичда Жиззах – Навоий, Қашқадарё – Хоразм, Сирдарё – Қорақалпоғистон Республикаси полвонлари ўзаро беллашди. Баҳсларда Жиззах, Қашқадарё ва қорақалпоғистонлик курашчилар галаба қозонишди.

Чорак финалда мусобақага сурхондарёлик полвонлар ҳам қўшилишди. Улар Жиззахлик

БАРАКАЛЛА, ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИ!



спортчилар билан куч синашиб, рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Қашқадарёлик полвонлар Қорақалпоғистон жамоасини мағлуб этишди. Шу тариқа, ярим финалда икки кучли жамоа рўбарў келди. Жуда қизгин ўтган беллашувда сурхонлик полвонлар катта устунлик билан галаба

қозониб, финалга чиқишди. Вилоятимиз жамоаси жойлашган "В" гуруҳидаги баҳслар ҳам қизиқарли ва муросасиз кечди. Ушбу гуруҳда, шунингдек, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри жамоалари ўрин олишганди. Бу гуруҳда ҳам рейтинг юқори бўлган Бухоро вилояти полвонлари баҳсларга иккинчи бос-

марқандлик полвонлар билан гиламга чиққан вилоятимиз вакиллари имкониятни бой бериб, мусобақани тарқ этишга мажбур бўлишди.

Чорак финал беллашувларида ҳам қўтилмаган натижа қайд этилди: бухоролик ва андижонлик полвонлар ўртасида ўтган муросасиз баҳсда воқеийликларнинг қўли баланд келди. Самарқандликлар эса

Фарғона вилояти жамоаси устидан зафар кучишди. Ярим финалда ҳам самарқандлик кураш усталари Андижон жамоасини енгиб, финалга чиқишди. – Жамоамиз мусобақага яхши тайёрланганди, лекин илк босқичдаёқ кучли рақибга рўбарў келдик, – дейди Ўзбекистон кураш федерацияси

Фарғона вилояти жамоаси устидан зафар кучишди. Ярим финалда ҳам самарқандлик кураш усталари Андижон жамоасини енгиб, финалга чиқишди. – Жамоамиз мусобақага яхши тайёрланганди, лекин илк босқичдаёқ кучли рақибга рўбарў келдик, – дейди Ўзбекистон кураш федерацияси

вилоят бўлими ижрочи директори Шухрат Келдиёров. –

Талқин ва тадқиқот

Мамлакатимизда ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва баркамол қилиб вояга етказиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш маънавий-маърифий йўналишдаги барча саъй-ҳаракатларнинг бош мақсадидир. Зотан, уларни турфа мафкуравий таҳдидлардан асраш, улар онгида диний экстремизм, терроризм, "оммавий маданият" ва бошқа ёт гояларга қарши мустақкам иммунитетни шакллантириш бугуннинг муҳим талабидир.

Қуръони карим маъноларининг

илмий-изоҳли академик таржимаси

Ёш авлодда диний ва дунёвий билимларга қизиқиш ниҳоятда кучайган бир даврда яшаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу борада асл Ислому маърифати, буюк аждодларимизнинг эзгулик нури билан йўғрилган соғлом диний таълимотлари, хусусан, Қуръони каримнинг олий моҳияти ва ҳикмати ёш авлодга тўғри етказиш ва тушунириш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, фалсафа фанлари доктори, шарқшунос олим Маҳмудхўжа Нуритдинов журват ва ҳиммат камарини боғлаб, ҳамма учун фойдали ва эзгу ишга қўл урди. Кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари самарасида "Қуръон маъноларининг араб тилидан илмий-изоҳли академик таржимаси"ни яратишга муваффақ бўлди.

Айтиш жоизки, бу талқин шу чоққача чоп этилган маъно таржималардан фарқ қилади. Негаки, у илмий-тадқиқот харақатига эга бўлиб, кўплаб оятларни тушуниришда ўнлаб олашумул илмий кашфиётлар натижаларидан ўз ўрнида ва унумли фойдаланилган. Таржима асосида геология, археология, астрономия, эмбриология, астрофизика, тарих, космик тасвирга олиш ва бо-

Рақиб жамоа сафида жаҳон ва Осиё чемпионларининг борлиги курашчиларимизни бир оз чўчитди. Шу сабабли, баъзи полвонларимиз маҳоратларини тўлиқ кўрсата олишмади. Бу турнир спортчиларимизга катта тажриба мактаби бўлди. Қувонарлиси, бу галги Ўзбекистон кубоги мусобақаси юқори савияда ўтди.

Кўпчилик финалда сурхондарёлик полвонлар галабасини башорат қилишганди. Дарҳақиқат, сурхон полвонлари беллашувни кўтаринки руҳда бошлашди ва рақибларини бирин-кетин кўтариб уриб, 4:1 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Бироқ, вазият бирдан ўзгарди ва самарқандликлар ҳақиқий полвонлик иродасини кўрсатишди. Шундай қилиб, яқунда Самарқанд жамоаси мутлақ галаба қозониб, кубокни қўлга киритди.

– Голиб бўлганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди Жаҳон чемпиони Гулмира Исмаилова. – Мен хорижда ҳам кўп мусобақаларда қатнашаман. Лекин, барибир ўз юртингда голиб бўлишнинг гапти ўзгача-да. Мураббийларимизга катта раҳмат. Улар бизни мусобақага ҳам руҳан, ҳам жисмонан яхши тайёрлашди. Уларнинг кўрсатмаларини бажариб, юқори натижаларга эришяпмиз.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар Ўзбекистон кураш миллий федерацияси томонидан таъсис этилган дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
10 969 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилиб ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳих
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХУҲАЕВ

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@mail.ru; th-tp@mail.ru. Буюртма V-2943. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.45.



UZTELECOM

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК

Тошкент филиали жамоаси

барча юртдошларимиз ва вилоятимиз
аҳлини кириб келаётган

Янги ~ 2019 йил

билан самимий қутлайди.

Озод ва обод Ватанимиз равнақи
йўлида амалга ошираётган эзгу
ишларингизда омад ёр бўлсин!

*Янги йил барчамизнинг хонадонимизга бахт,
омад ҳамда қувонч олиб келсин!*



"LOCHIN ASBOB-USKUNA" МЧЖ

жамоаси юртдошларимизни кириб келаётган

Янги йил билан муборакбод этади.

2019 йил юртимизга қут-барака,
тинчлик-фаровонлик, ҳар бир
хонадонга файзу тароват
олиб келсин!



Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни
қўллаб-қувватлаш йилида ўз фаолиятини бошлаган Оҳангарон
шаҳридаги "LOCHIN ASBOB-USKUNA" МЧЖ шаклидаги корхона
бугунги кунда 35 турдаги электр асбоб-ускуналарини ишлаб чиқармоқда.

Хорижлик мижозлар эътирофига сазовор бўлган
арзон ва сифатли маҳсулотлар республикамиздаги
корхона, ташкилот ҳамда хонадонларга
буюртма асосида етказиб берилади.

Маълумот учун телефон: (98) 117-36-00.

Гувоҳнома № 0332
Хизматлар лицензияланган

